Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 12 июнь, чоршанба • № 46 (10.821) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ҚАШҚАДАРЁГА САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 июнь куни Қашқадарё вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари вилоят меҳнаткашларининг ҳаёти, бу ерда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни билан яқиндан танишди. Мамлакатимизнинг йирик вилоятларидан бўлмиш Қашқадарё бўйлаб сафари давомида Президент Ғузор, Қамаши, Чироқчи, Яккабоғ, Шаҳрисабз ва Китоб туманларидаги бир қанча жамоа хўжаликларида деҳқонлар, мутахассис ходимлар, раҳбарлар билан учрашиб, пахтачилик, ғаллачилик, пилла-чилик соҳаларидаги мавжуд вазият, ечимини кутаётган муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Шунингдек, Ислом Каримов Шаҳрисабз шаҳридаги Оқсарой майдонида Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан қад кўтараётган Соҳибқирон ҳайкали ва ёдгорлик мажмуи қурилишини кўздан кечирди.

Президентга Қашқадарё вилоятига сафари чоғида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков ҳамроҳлик қилди.

(ЎзА).



ДАЛА ШИЙПОНИДА СУҲБАТ

Авжи иш қизғин дамларда раҳбарнинг деҳқонлар орасида бўлганига нима етсин. Ҳол-аҳвол сўрайди, кайфиятни кўтаради. Ўртачирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» деҳқон-фермер хўжалиги раиси Солижон Тожиев ўз фаолиятида бу удумга қатъий амал қилади. Мана, бугун ҳам у эрта тонгдан туриб далаларни айланди, тушга яқин Муборак Алматова бошлиқ бригадага етиб келди. У билан биргаликда тракторчи Бахтиёр Хўжамқулов культивация қилаётган далаларни кўздан кечирди. Яхши!

Деҳқонлар раисни бир пиёла чойга таклиф қилишди. Бригаданинг баҳаво, салқин ерига жойлашган дала шийпонида қизғин суҳбат бошланди. Деҳқонлар бундан буёнги режалари ҳақида раисга гапириб бердилар. Раис ҳам ўз навбатида деҳқонлар, қишлоқ аҳлининг меҳнатини қадрлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан қилинадиган ишлардан уларни огоҳ этди.

Александр МАЛЬЦЕВ олган суратлар.



1996 йил— Амир Темур йили

ЎТМИШДАН ҲИКОЯ ҚИЛДИ ОЛИМЛАР

Вилоят ҳокимлигида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб, илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Ушбу тадбирда Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг олимлари — Турғун Файзиев, Асомиддин Ўринбоев, Убайдулла Уватов, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази бўлим мудири, тарих фанлари доктори, профессор Турғунбой Саксоновлар Амир Темур ҳаёти ва фаолияти, шажараси, марказлашган давлатни вужудга келтиришдаги хизматлари, соҳибқирон қурдирган обидаларнинг тарих ва маданиятдаги ўрни, ўша қадим даврга оид ёзма манбалар хусусида маърузалар қилдилар.



Куч адолатдадир, деган тамойилга амал қилган Амир Темур ва темурийлар турли давр ҳамда турли мамлакатларда қарийб беш юз йил ҳукмронлик қилдилар. Дунё аҳамиятига молик тарихий ҳамда маънавий мерос қолдирдилар.

Жаҳон тарихида Амир Темур ва унинг авлодичалик кўп меъморий обидалар қолдирган подшоликлар бўлган эмас, десак муболаға бўлмайди.

Амир Темур ўз даврида кучли марказлашган давлатни вужудга келтириш билан бирга Ўрта Осиёга, бутун мусулмон дунёсига машҳур бўлган Мовароуннаҳр меъморчилик обидаларини барпо қилди.

У бунёдкорлик ишларига дунёнинг машҳур ҳунарманд усталарини, мусаввирларини жалб қилди. Меъморчилик обидаларининг бунёд этилишида Абу Райҳон Беруний, Мусо Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Қозизода Румийларнинг илмий изланиши ва кашфиётларидан бевосита фойдаланилди. Бир неча юз йиллар ўтишига қарамай бу бинолар ноёб санъат асарлари сифатида ҳанузгача қад ростлаб турибди.

Амир Темур ва темурийлар даврида қурилган масжид ва мадрасалар асосан қадимдан азиз, эътиборли ҳисобланган масканларда барпо этилган. Мовароуннаҳр маданият марказларида вужудга келган обидалар бизга Самарқандда — Гўри Амир, Бибихоним, Рухобод, Шохизинда, Термизда — Ҳаким Ат-Термизий, Султон Саодат, Шаҳрисабзда — Оқсарой, Кўк гумбаз, Жаҳонгир, Сайидан гумбази, Хазрати Имом, Бухорода — Сайфиддин Бохарза, Баёнқулихон, Чашмаи Аюб, Тошкентдаги Каффол Шоший, Хўжа Зайниддин, Зангиота, Хоразмда, — Сайид Алаудин, Пахлавон Маҳмуд, Фарғона водийсида — Шох Жалил, Шох Фозил, Подшо Пирим мақбаралари ва мадрасалари бебаҳо меросдир. Ҳозирги Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳудудларида ҳам жуда кўплаб санъат асари сифатида эъзозланиб келинаётган, қўҳна тарихдан ҳикоя қилувчи Завия, Хоноқо гумбазлари бизгача етиб келди.

Йиғилганларнинг Амир Темур ва темурийларнинг, уларнинг даврига оид берган барча саволларига тарихчи олимлар батафсил жавоб бердилар.

Анжуман сўнгида Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театрининг «Соҳибқирон Амир Темур» спектакли намойиш этилди.

Ҳусан СУЛАЙМОНОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА

КЕЧА халқ депутатлари Қуйичирчиқ тумани кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Рустам Каримов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан туман ҳокими вазифасидан озод этилди.

Вилоят ҳокимининг қарорига биноан Оқ-қўрғон тумани агрохизмат бирлашмаси раиси бўлиб ишлаб келган Қамбарали Ҳайдаралиевич Омонов Қуйичирчиқ тумани ҳокими этиб тайинланди.

Сессияда Тошкент вилояти ҳокими Э. М. Рўзиев сўзга чиқди.

Вилоят ҳаёти: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

МАСЛАҲАТЛАШИБ ОЛДИЛАР

***БЎСТОНЛИҚ** туманида ғалла ўрим-йиғими олдидан маслаҳат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамоа хўжаликларининг раислари, ғаллачилик бригадаларининг бошлиқлари, тажрибали механизаторлар ҳамда муассаса, корхона, ташкилотларнинг раҳбарлари ва қишлоқ фуқаролар йиғинларининг раислари иштирок этдилар.*

Йиғилишда туманда ғалла ўрим-йиғимини қисқа муддатда тугаллаш, комбайнлардан унумли фойдаланиш ва ҳар бир гектар ердан камида 35 центнердан ҳосил олиш режалаштирилди.

Йиғилишда сўзга чиққан «Қўшқўрғон» деҳқон фермер хўжаликлари бошқарувининг раиси Абдуқаҳҳор Юнусов, «Янгиовул» жамоа хўжалигининг ғаллачилик бригадаси бошлиғи Мирали Тўхтаганов туман агрофирмасининг бош агрономи Зайдулла Сатторов, «Турон» ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Садр Минбоев, туман ички ишлар бўлимининг бошлиғи Умарвой Умирбоев ва бошқалар ҳосилни тез ва нес-нобуд қилмай йиғиб олиш, ишни икки сменада ташкил этиш тўғрисида гапирдилар.

Йиғилишда Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи муовини Тўлқин Мирёқубов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Рўзмат ИСМОИЛОВ.

ДЕҲҚОН БОЗОРИ ҚУРИЛМОҚДА

ПИСКЕНТ шаҳри марказида деҳқон бозори қурилиши жадал суръатларда бошлаб юборилди. Эски, кўримсиз бинолар бузилиб унинг ўрнида замонавий дўконлардан иборат деҳқон бозори қад кўтаради. Шуниси эътиборлики мазкур қурилиш асосан ишбилармонлар маблағи ва халқнинг хашари билан қурилмоқда. Тўхтахон Султанхонов ва Саидсултон Валихонов сингари ишбилармонларнинг улуши айниқса катта бўляпти. Қурилишда ургутлик ва хоразмлик усталар ишламоқда.

Бозор мустақиллик байрами кунида ишга тушади.

Тўхташ ҚОСИМОВ.

ПАЛАТАНИНГ ДАСТЛАБКИ АЪЗОЛАРИ

ОЛМАЛИҚДА товар ишлаб чиқарувчилар палатаси ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Асосий вазифаси хусусий тадбиркорлик тизимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланган бу ташкилотга кўнгиллилик асосида аъзо бўлиш мумкин. Бунинг учун рамзий тўрт юз сўмлик аъзолик бадали тўланади, холос. Унга эса давлат мулкини тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағнинг 5 фоизи ажратилади. У маблағнинг асосини ташкил этади.

Шаҳардаги хусусий, жамоа корхоналари бирин-кетин палатага аъзо бўлмоқдалар. Ҳозиргача уларнинг сони ўттиздан ошиб кетди. Бундай тузилмалар орасида «Оқтош», «Семург» каби ҳиссадорлик жамиятлари ва бошқа катта-кичик тадбиркорлик тузилмалари бор.

Гулнора ҲУСАИНОВА.

Байрам «Мустақиллик ҳиёбони»да ўтади

Туман маркази қиёфаси кейинги йилларда тубдан ўзгарди. Бу ерда бир-биридан бежирим, шарқона меъморчилик услубларида савдо расталари, дорихона, чойхона, ошхоналар қуриб ишга туширилди. Жумладан «Лаззат» савдо маркази, қишлоқ қурилиш комбинатининг чойхона ва ошхонаси, туман молия бўлими, ҳамда туман давлат солиқ инспекцияси маъмурий бинолари шулар жумласидандир.

Туман марказида яқин кунлар ичида «Гулмирдери» ўзбек-турк терини қайта ишлаш қўшма корхонаси ишга тушади. Натижада яна юзлаб ишчи ўринлари очилади. Мазкур қўшма корхона маъмурияти туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда корхона олдида «Мустақиллик ҳиёбони»ни барпо этишга киришди. Ҳиёбон Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг беш йиллиги байрамида ишга тушади.

Саиджон МУСТАФОЕВ, Қуйичирчиқ тумани.

Газетада босилмади, аммо ёрдам кўрсатилди

ҚЎШИМЧА ХОНА АЖРАТИЛДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси таҳририятига Бўка шаҳар Гагарин кўчасида турувчи 2-гуруҳ ногирони Баҳодир Эргашев мактуб йўллаб, оиласи билан яшаб турган хоналарини кенгайтириш ҳақидаги аризаси шаҳар ҳокимлигида эътиборсиз қолаётганлигини маълум қилган эди. Ушбу хат юзасидан Бўка шаҳар ҳокими Баҳром Расулов имзоси билан қуйидаги жавоб хати олинди:

«Баҳодир Эргашевнинг «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририятига йўллаган мурожаати Бўка шаҳар ҳокимлигида ўрганилиб чиқилди. Баҳодир Эргашевнинг оиласи яшаб турган хонадон ҳақиқатан ҳам торлиги инобатга олиниб, қўшимча яна бир хонали уй ажратиб берилди».

ЖОЙЛАРГА ШУНДАЙ НОМ ҚЎЯЙЛИККИ...

Ҳа, бирон жойга ном қўйиш — ниҳоятда ўйлаб иш тутишни тақозо этади. Маълумки, топонимияга доир масала мана бир неча йилдирки — мустақилликка эришганимиздан кейин — алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Вилоятларда, туманларда, шаҳарларда махсус комиссиялар тузилди ва улар қатор ишларни амалга оширди. Собиқ совет тузумидан мерос бўлиб қолган қатор-қатор «доҳийлар», раҳнали воқеалар номи билан аталган хўжаликлар, ҳудудлар, кўчалар, мактаблар, корхоналар, муассасалар ва бошқа жойлар номлари қайта кўриб чиқилди. Улар аксариятининг номи ўзгартирилди. Аммо, бугун масалага чуқурроқ қаралса, ўтган даврда бу ишда бироз шошқалоқликка йўл қўйишлар, бир томонлама ёндашишлар, сусткашликлар бўлганлиги кўриниб қолади.

Яширишнинг ҳожати йўқ. Жойларга киммингдир номини қўйиш русумга айланган кезлар ҳам бўлди. Бир кўчанинг ўнг томонида турувчилар Эшматнинг, чап томонда турувчилар Тошматнинг номини қўйиш учун югуриб елишди. Ҳатто тирик одамлар номини қўйишга ҳезланишлар бўлди. Пировардида хатоликларга ҳам йўл қўйилди. Шунинг учун ҳам кейинги пайтда юқори ташкилотларга берилган номларни қайтадан ўзгартириш юзасидан кўплаб ариза ва мурожаатлар туша бошлади.

Шу нуқтаи назардан қаралганда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон республикасидаги маъмурий ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топономик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори жуда вақтида қабул қилинди, деб ўйлаймиз. Чунки, ном — тарих, ном — келажак, ном — ғурур, ном — Ватан рамзи, ном — юртпарварликнинг бир тимсолидир. Биз жойларга шундай ном қўйишимиз керакки, бу номлар асрлар давомида ҳам тарихимиздан, бугунимиздан, истиқлолимиздан ҳикоя қилиб турсин.

Шу ўринда мазкур қарорнинг муҳим икки жиҳатига тўхталиб ўтиш керак. Биринчидан, қарорда қилинадиган ишлар, бу вазифаларнинг масъул ижрочилари — ташкилотлар, идоралар аниқ кўрсатилганлиги эътиборга лойиқдир. Иккинчидан, қарорда 1996 йилнинг 1 сентябригача эски тузум давридан сақланиб қолган номларни ўзгартириш масаласи кўндаланг қилиб қўйилди. Бу жуда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, қарорда тирик одамлар номини қўйиш ҳам ман этилди. Ўзбекистон бу йил ўз мустақиллигининг беш йиллигини нишонлайди. Шундай экан, эскилик сарқитларига батамом барҳам бериш тарихимиз, миллий қадриятларимиз, анъаналаримизга мос номларни қўйиш ишларини ниҳоясига етказиш ўта муҳимдир.

Акс-садо

Айни вақтда қарорда жойларга ном бериш ҳақидаги маҳаллий ҳокимлик органларининг хоҳиш-иродалари Ўзбекистон Республикасидаги топономик объектларга машҳур кишиларнинг номини бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи республика комиссияси билан келишилиши шарт қилиб қўйилганлиги ҳам жуда тўғри. Чунки, юқорида айтганимиздек, жойларга кишиларнинг номини қўйишда айрим суиистеъмолликларга йўл қўйилган ҳоллар ҳам бўлди. Яна бир гап — тарихий алломаларимиз номи билан аталувчи бир хил атамадаги объектларнинг ҳаддан зиёд кўпайиб бораётганлигидир. Тўғри, уларнинг номини ҳар қанча эъзозласак арзийди. Лекин, бу масалада ҳам меъёр, тартиб бўлиши керак эмасми?!

Яна бир мулоҳаза. Ном қўйиш керак экан деб, ҳамма жойга ном қўяверіш шартмикан? Масалан, фалон тумандаги ёки шаҳардаги 10-, 5-мактаб ёки боғча деб аташнинг ўзи кифоя эмасми? Ҳар ҳолда ҳар бир номнинг ўз ўрни бўлгани яхши.

Куни кеча Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорини ижро этиш ҳамда Тошкент вилоятидаги маъмурий, ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топономик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида вилоят ҳокимининг махсус қарори ҳам қабул қилинди. Бу қарорда қилинадиган ишлар аниқ режалаштириб олинган. Топономик объектлар номини тартибга солиш, бу борадаги камчиликлани тезроқ тугатиш, шаҳар ва туман ҳокимликлари олдига ўн кун муддат ичида ушбу масалаларни таҳлил этиб, тегишли чора-тадбирлар кўриш вазифалари юклатилди.

Ўйлаймизки, шаҳар ва туман ҳокимликлари, жойлардаги мутасадди раҳбарлар ушбу қарорларнинг ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни кўрадилар. Зеро, гап мамлакатимиз, вилоятимиз ҳар бир ҳудудининг ўзига хос, ўзига мос номлар билан аталиши устида кетяпти!..

Фатҳиддин ФАЗЛИДДИНОВ.

Республика экология ва саломатлик кунлари

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ, ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ, шу жумладан, вилоятимиз шаҳарлари ва туманлари бўйлаб Халқаро атроф муҳит мухофазаси ва болаларни ҳимоя қилиш кунларига бағишлаб, биринчи июндан ўнинчи июнгача ўтказилган республика экология ва саломатлик кунлари ниҳоясига етди.

Шу орада журналистларнинг экология мавзуидаги танловига ҳам якун ясалди. Оммавий ахборот воситаларининг қатор қаламкашлари танловида ғолиб деб топилдилар ва улар «ЭКОСАН» халқаро экология жамғармасининг турли даражадаги мукофотлари билан тақдирландилар. Мукофотланганлар орасида «Тошкент ҳақиқати» газетасининг бўлим мудири Мирсобир Мирҳамидов, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарининг жамоатчи мухбири, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходими Чара Перепелицина ҳам бор. Биз уларни мукофот билан астойдил табриклаймиз ва ижодий ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

ИСЛОҲОТ, МУЛКДОР, ТАРАҚҚИЁТ

ТАДБИРКОРЛАР ХАРИД ҚИЛДИЛАР

Ким ошди савдоси ҳозирги вақтда кенг кўламда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолди ва у тобора авж оляпти. Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида унга қизиқиш катта бўлмоқда. Тўйтепада ҳам шундай тадбирлар тез-тез ўтаяпти. Давлат мулкини тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг етакчи шаклига айланган ким ошди савдолари ҳар ойда уюштириляпти.

ЯҚИНДА шундай ким ошди савдосининг навбатдагиси бўлиб ўтди. Вилоят кўчмас мулк биржаси ва Ўртачирчиқ тумани ҳокимлиги томонидан бирга ташкил этилган бу галги савдода қатор ер майдонлари, транспорт воситалари ва бошқа қатор иншоотлар харидорларга тақдим этилди. Албатта, бунга аввалдан тайёргарлик кўрилди. Объектлар олдиндан танланди. Уларни реклама қилиш учун маҳаллий матбуот ва радиодан фойдаланилди. Ҳар бир объектнинг тавсифи таърифланди, ҳатто, уларнинг бошланғич нархлари эълон қилинди.

Ким ошди савдоси қандай ўтди?

Маҳаллий ҳокимлик, корхоналар ва хўжаликлар ким ошди савдосига тақдим этишни мўлжаллаган объектларнинг ҳолати ўрганиб чиқилди. Уларнинг аксарият кўпчилиги рўйхатга олинди.

Ким ошди савдоси шартига мувофиқ ҳар бир объектга ками билан иккита харидор бўлиши керак. Харид қилиш ҳақидаги аризалар бундан кўп бўлса, янада яхши, агар битта бўлса объектни ким ошди савдосига қўйиб бўлмайди.

Шуни ҳисобга олиб ким ошди савдосида қатнашувчилар сонини кўпайтириш мақсадида аризаларни қабул қилиш жойлари кўпайтирилди. Аризалар фақат Тўйтепадагина эмас, айни вақтда, Тошкент шаҳрида ва вилоятнинг яқин атрофдаги шаҳарлари ва туманларида ҳам қабул қилинди.

Шахсий уй-жой қуриш, савдо шаҳобчалари барпо этиш учун ажратилган ер майдонларини сотиб олиш учун очиқ беллашувда ўнлаб харидорлар қатнашдилар. Шу сабабли уларнинг сотилиш нархи бошланғичдагисидан сезиларли ортиқ бўлди.

Ким ошди савдосига «Инқилоб» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган иккита ер майдони қўйилган эди. Ҳар бири 600 квадрат метр сатҳли бу ер майдонларининг бошланғич нархи 9 минг сўм қилиб белгиланган эди. Савдони бошқараётган И. Маликов дастлабки нархларни йиғилганлар эътиборига ҳавола этгач, айрим харидорлар ортиқ нарх билан ҳам уни сотиб олиш нияти борлигини баён қилдилар. Ниҳоят нарх 12 минг сўмга етганида бошқа талабгор чиқмади. Шундан сўнг биринчи ер майдони ўз соҳиби қўлига ўтди. У тадбиркор Баҳром Охунжоновга насиб этди. Худди шундай сатҳга эга бўлган иккинчи ер майдони харидорларнинг анча тортишувига сабаб бўлди. Ниҳоят унга 16 минг сўм тўлашга тайёр эканлигини изҳор этган, харидорлар орасида энг юқори нарх қўйган Баҳром Охунжонов уни ўз ихтиёрига оладиган бўлди.

Савдо шаҳобчалари қурилиши учун ажратилган ер майдонларини харид қилиш истагини билдирган ва ариза берганлар сафида тўрт харидор бор эди. Ким ошди савдоси пайтида бундай ер майдонларининг айримлари сотилди. Умумий саҳни икки юз квадрат метр бўлган шундай майдон бошланғич нархидан деярли икки баравар ортиққа кетди. Дастлабки нархи уч минг олти юз сўм деб эълон қилинган бу ер майдонининг янги хусусий эгаси олти минг сўм тўлашга рози бўлди. У тадбиркор Абдумалик Эргашев эди. Яна бир шундай ҳажмдаги ер майдонини ҳалол беллашувда тадбиркор Қурбонхўжа Абдуллаев сотиб олди.

«Қорасув» жамоа хўжалиги маъмурияти ўзига қарашли, анча таъмирланиши лозим бўлган ГАЗ-52 русумли юк автомашинасини ким ошди савдосига тақдим этганида уни уюштирувчилар харидор чиқмаса керак, деган ҳаёлга борган эдилар. Лекин, амалда акси бўлиб чиқди. Автомашинанинг бошланғич нархини 8 минг сўм қилиб белгиладилар. Унга эгалик қилмоқчи бўлганлар анча тортишдилар. Ҳар гал икки юз эллик — беш юз сўмдан қўшиб, ўн икки минг сўмга етдилар. Бу охирги нарх бўлди. Машина Асқарали Маҳмудовга тегди.

Ким ошди савдоси тугаганидан кейин унинг ташкил этилишини яхшилаш учун қандай чора-тадбирлар амалга ошириш зарурлиги ҳақида мубоҳаса бўлди. Баён этилган фикр-мулоҳазалар бундан кейинги ким ошди савдоларини уюштиришда ҳисобга олиниши зарур. Бу шубҳасиз, давлат мулкини тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг бу янги шаклини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Усмонали ҲАМИДОВ.

МАРКЕТИНГ - харидор эҳтиёжларини имкони борича тўлароқ қондириш мақсадларида бозор ҳолатини асосли ўрганиш ва олдиндан баҳолаш билан товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этиш тадбирлари тизими; бозор иқтисодиётининг муҳим унсури; маркетинг иши қисқа ва узоқ муддатли махсус маркетинг дастурлари орқали амалга оширилади, уларда харидорларни ва рақобатчиларни ўрганиш асосида товарлар сифатини яхшилаш, товар нархини ўзгартириш, реклама ўтказиш, товарга талаб чақириш, товарларни ўз вақтида етказиб туриш, харидорларга маъқул тушадиган хизмат кўрсатиш каби чора-тадбирлар назарда тутилади. Ишлаб чиқариш маркетинг воситасида гоят тез ўзгариб турадиган бозор талабига мослашади ва самарага эришади. Товар ишлаб чиқарувчилар маркетинг туфайли бозор билан ўзвий боғланадилар, ишлаб чиқариш манбаларини бозорталаб товарлар яратишга қаратадилар.

ФЕРМА КОМПЬЮТЕРДА ИШЛАЙДИ

Чиноз туманидаги «Муқимий» хусусий фермер хўжалиги фермани компьютерлаштиришга аҳд қилди. Зотан, бугунги кунда замонавий технологияни қўлламай туриб юксак натижага эришиб бўлмайди.

Умуман, фермада аҳвол ёмон эмас. У хусусийлаштирилмасдан илгари ҳар бош сигирдан 1400 килограммдан сут соғиб олинган бўлса, ҳозир бу рақам салкам уч минг килограммни ташкил этмоқда. Тадбиркорлик билан иш юритилиши боис, сут етиштириш қарийб икки, гўшт етиштириш эса тўрт баравар кўпайди. Эндиликда бу кўрсаткичлар ҳам янгиликка ўч Муқимжон Эрхўжаев бошчилигидаги чорвадорларни қониқтирмай қўйди. Шунинг учун ҳам бу ерда Исроилнинг «Эйнаб» фирмаси билан ҳамкорликда илғор технологияни жорий этишга киришилди.

— Фермани компьютерлаштирсак, аввало, моллarни янгича усулда озиқлантириш имкониятига эга бўламиз, — дейди М. Эрхўжаев. — Фермернинг ҳисоб—китобларига қараганда, янги технология дастлабки йилиёқ камида 70 минг сўм даромад келтиради, иккинчи йили эса рентабеллик даражаси 43 фоизни ташкил этади.

Тошкент вилоятидаги чорвачилик фермаларининг деярли барчаси бугун хусусий мулк эгалари қўлида. Аммо уларнинг ҳаммасида ҳам иш кўнгилдагидек эмас. Шу ўринда «Муқимий» фермер хўжалиги тажрибалари диққатга сазовордир.

— Ҳамма гап тадбиркорлик билан иш юритишда, бозор иқтисодиёти талабларини пухта англаб етишда, — дейди Муқимжон ака. — Дастлаб жамоа ички интизомини мустаҳкамлашга, мулкнинг кўз қорачиғидай асралишига эришдик. Қолаверса, тавакалчилик қўл келди: қарз кўтариб, моллар наслини яхшиладик, зарур техника сотиб олдик.

— Фермада қорамоллар сони бироз камайибди...

— Биласизми, уларни 500 бошга ҳам етказдик. Аммо маҳсулот кўпаймаса, бундан нима наф? Экин майдонлари танқислиги анча панд берди. Хукуматимизга раҳмат, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаяпти. Аммо фермерларга ер ажратиш масаласи ҳамма жойда адолатли ҳал этилган, деб бўлмайди. Тасарруфимизда 179 гектар экин майдони бўлиб, гектаридан 12 озуқа бирлиги миқдорида ем-хашак етиштириш мумкин холос. Соғин сигирлар эса камида 15 озуқа бирлиги ҳисобида озиқлантирилиши керак. Иккинчиси — технология. Биз исроилликлар билан ҳамкорликда икки юз бош атрофидаги қорамолдан оддий шароитда 500—600 бош қорамол боқиб етиштириладиган маҳсулотни олиш ниятидамиз. Бунинг учун ҳам ҳар бош шартли қорамол ҳисобига камида 0,7—0,8 гектар экин майдони зарур. Бу масалани ҳал этишда туман ҳокимлиги амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Жорий йилда истеъмолчиларга тўрт юз тонна сут, 80 тонна гўшт, 200 минг дона тухум етказиб берилади. Хўжалигимизда йилқичилик, паррандачилик ҳам йўлга қўйилди. Халқимизда «Кўйнингдан тўкилса—қўнжингга» деган гап бор. Олинаётган фойдадан ижтимоий соҳаларга ҳам баҳоли қудрат кўмак бермоқдамиз. Туман марказий касалхонасига «Тез ёрдам» машинаси харид қилиш учун маблағ ўтказдик, таэквандо бўйича вилоят биринчилиги бош совринига от бердик, «Ойдин» қишлоғи аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашга ёрдамлашяпмиз.

— Истеъмолчилар билан муносабатингиз қандай?


— Бу борада муаммо йўқ. Фермер билан истеъмолчи ўртасида муаммо бўлар экан, бу ишлаб чиқарувчининг ўз ҳуқуқларини етарли даражада англаб олмаганини кўрсатади. Икки ўртада аниқ шартнома тузилса, ҳеч қандай гап-сўзга ўрин қолмайди. Ҳужжатлар ҳам қисқа муддатга имзолангани яхши. Айтайлик, мен икки — уч ой муддатли шартнома асосида ишлайман. Харидорлар маблағни олдиндан тўлайди, маҳсулотни эса вақтида олиб кетаверади.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

КРЕДИТ ХАТАРИ — қарздорларнинг қарзга олинган пул ва унинг фоизини кредиторга қайтармаслик хатари. Хатарни олдиндан баҳолай билмаслик банклар ва бошқа кредиторларга йирик зиён келтиради. Кредит хатарни суғурта қилдириш мумкин. Ҳар бир кредитор айни пайтда ўзининг бошқа бир кредит муносабатларида дебитор (қарздор) ҳам бўлиши мумкин.

ЯНГИБОЗОРНИНГ НОНИНИ ЕМАБСИЗ...

ЯНГИБОЗОР нон корхонаси икки йилдирки, маҳсулотларни сифатли ва харидоргир қилиб тайёрлаш бўйича республика кўригида биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Бунинг асосий омили корхонада ишга муносабатнинг, мулк шаклининг ўзгариб бораётганлигидир. Энди «жамоа корхонаси» мақомини олган бу корхонанинг эгаси шу жамоа. Ютуқ ҳам ўзлариники, камчилик ҳам. Шунинг учун ҳар бир ишнинг, дастгоҳ, ускунанинг масъул, жавобгар одами бор.



— Бозорнинг ўз қонуниятлари бор. Уни ҳар дақиқада ҳисобга олиб ишлаш, изланиш, ҳаракат қилиш керак, — дейди корхона раҳбари Тўхтамурод Усмонов. - Маҳсулотимизга талаб ортиб бораяпти. Ҳозир туманимиздаги барча савдо шахобчаларига нон етказиб бераяпмиз. Бир кеча-кундузда 12 тонна маҳсулот тайёрланмоқда. Кейинги икки йил мобайнида бу кўрсаткични 30 тоннага етказиш имкониятлари бор.

Яқинда корхона замонавий дастгоҳлар билан қайта жиҳозланди. Ҳаракат, изланиш, тадбиркорлик, тежамкорлик бор жойда унум ва даромад баракали бўлади. Ўтган йилнинг тўрт ойи давомида корхона 5 миллион 686 минг сўм даромад қилиб 260 минг сўм соф фойда олган эди. Бу йилнинг шу вақти ичида 16 миллион сўм даромад қилди. Соф фойда эса 1 миллион 308 минг сўмни ташкил этди. Бу корхонадаги ислоҳотлар, янгиликлар самара бераётганлигидан далолатдир.

* * *

СУРАТЛАРДА: (ўнгдан чапга) илғор новвой Маъмура Саркибоевани кўриб турибсиз; иссиққина оби нонлар бироз тиниққач машиналарга юкланади; бунақа 30 тонналик ун сақлагичлардан корхонада 3 таси бор.

Р. ШАМСУТДИНОВ олган суратлар.





ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАРГА СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

7 июнда Оҳангарон туманида бозор иқтисодиёти бўйича минтақавий малака ошириш курси тингловчилари бўлган хотин-қизларга сертификатлар топширилди

ВИЛОЯТИМИЗ хусусий, кичик ва ўрта бизнесининг 32 нафар аёл вакили ўн кун давомида бу ўқувда жаҳон стандартлари даражасида зарур билимларни олдилар. Улар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишди. Ўқув давомида менежмент ва қонунлар, маркетинг ва бизнес қоидалари, қимматли қоғозлар ҳамда молиявий фаолиятни таҳлил қилиш асосларини, бундан ташқари, ўз фаолиятларининг йўналиши бўйича бизнес режалар тузиш йўлларини ўргандилар.

«Тадбиркор аёл» ишбилармон хотин-қизлари уюшмаси ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлигининг хотин-қизлар қўмитаси кучи билан уюштирилган бу ўқувда вилоятимиздан биринчи марта Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон шаҳарлари ҳамда Оҳангарон туманининг бизнесмен хотин-қизлари қатнашдилар. Илгари вилоят ҳокимлигида ўтказилган «Хотин-қизлар ва бизнес» илмий-амалий конференциясида тадбиркор аёллар ҳаракатини ривожлантиришдаги ютуқлар қатори камчиликлар ҳам кўрсатилиб, барча минтақаларда бу муҳим иш етарли даражада ривожланмаётганлиги таъкидланган эди. Бу шаҳарлар ва туманлардан тингловчиларни танлашдан мақсад — уларнинг ижодий ташаббускорлигини ривожлантириш ҳамда мураккаб бизнес оламида лозим бўладиган билимлар билан уларни таништириш назарда тутилган эди.

Тошкент вилояти хотин-қизлар уюшмасининг раиси Л. А. Акбарова ўқув тугаганлиги тўғрисидаги сертификатларни топширар экан ҳозирги кунда маркетинг, менежмент асосларисиз тадбиркорликни жаҳон мезонлари талабларига мувофиқ ташкил этиш умуман мумкин эмас, деди. Қатор хусусий ва кичик корхоналар ҳиссадорлик жамиятлари, фирмалар бозор механизми билимларини етарли даражада билмаганликлари учун ҳам ўзлари бошлаган ишнинг муваффақиятли давом этишига эриша олмадилар.

Ўтган йили барпо этилган «Тадбиркор аёл» уюшмаси хотин-қизларнинг бизнес дунёсига киришларини енгиллаштириш учун қисқа муддатда анчагина ишларни амалга оширди. Бизнес мактаблари ва ахборот хизматлари ташкил этилди. «Бизнес фонд» билан алоқалар йўлга қўйилмоқда.

Вилоят ҳокимининг муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси С. О. Хўжаева битириб чиқувчиларга мурожаат қилар экан, янги олинган билимларни амалда муваффақиятли қўллаш истагини билдирди. Бундай тадбирлар, — деди Сайёра Отахоновна, — босқичма-босқич вилоятнинг бошқа минтақаларида ҳам ўтказилади. Ҳатто хорижий мамлакатларга, шу жумладан, Хиндистонга бориш ҳам назарда тутилмоқда. Албатта, бунинг учун инглиз тилини ўрганиш курсларида қўшимча тайёргарликдан ўтиш зарур.

Сўзга чиққан Т. А. Зокирова ўқитувчилар гуруҳи ўқув давомида энг яхши услублар, замонавий техника воситаларидан ва материаллардан фойдаланиб, машғулотларни якка тартибда рус ва ўзбек тилларида ўтказдилар, деб таъкидлади, Бунинг натижаси кўриниб турипти. Тингловчилар фақатгина назарий билим олибгина қолмай, ўзлари учун бизнесни ривожлантиришнинг янги истиқболларини ҳам очдилар.

Сертификатларни топшириш маросимида «Тадбиркор аёл» уюшмасининг ижрочи директори З. Хўжаева, Оврупо ҳамжамиятининг ТАСИС ривожлантириш дастури бўйича Ўзбекистон Республикасидаги италиялик кузатувчилари ва бошқалар қатнашдилар.

Н. ПЕТРАЧКОВА.

«ПЕШОНА ТАҚ ЭТИШИ ШАРТМИ?»

Вилоятимизда ислоҳотлар туфайли мулкчиликнинг турли шаклларида фаолият кўрсатаётган корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар, муассасалар кўпайиб бормоқда. Бу яхши. Лекин, у ерларда ҳам қонун ва тартибот устиворлиги таъминланиши шарт. Афсуски, вилоят солиқ бошқармаси ва «Тошкент ҳақиқати»нинг қўшма рейди айрим дорихоналарда бу борада суиистеъмолликларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатди.

КЕЙИНГИ йилларда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, хасталарни зарур дори-дармон, бошқа тиббий буюмлар билан таъминлаш борасида ҳукуматимиз, мутасадди маҳкамалар қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги «Республикада дори-дармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни ва уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 1995 йил 25 майдаги «Даволаш воситалари, тиббий буюмлар ва даволаш-профилактик озуқа маҳсулотлари сифатини давлат томонидан назорат қилиниши тўғрисида»ги қарорлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ҳужжатлар фармацевтика маҳсулотларининг сифатини яхшилаш, уларни стандартизациялаш ҳамда сертификациялаш ишларини бир мунча такомиллаштирди. Лекин, инсонлар саломатлигини муҳофаза этиш, аҳолини зарур дори-дармонлар билан тўлиқ таъминлашга даъват этилган айрим дорихоналар фаолиятида катта камчиликларга йўл қўйилмоқда, ҳатто, қонунбузарликлар сингари салбий воқеалар учрамоқда. Вилоятимиз дорихоналаридаги умумий аҳволни яна бир бор кўрикдан ўтказиш мақсадида ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ ҲАМДА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИ ходимлари биргаликда текширув рейдлари ўтказишди. Хўш, текширувларда қандай камчилик ва хатолар аниқланди?

МАЪЛУМКИ, мулкчилик туридан қатъий назар, ҳар бир дорихонада энг зарур дори-дармонларнинг бўлишлиги соғлиқни сақлаш идораларининг нуфузини белгилайди. Вилоятимиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Дори-дармон» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси тизимидаги ҳамда бошқа мақомга эга бўлган 83 та дорихонада ўтказилган текширувлар аҳволнинг кўнгилдагидек эмаслигини кўрсатди. Одамларга савобли иш кўрсатишга бел боғлаган ходимларнинг 65 холатда ҳар хил қонунбузарликлар ва қоидабузарликларга йўл қўйганликлари маълум бўлди. Рейд гуруҳлари аъзолари юқоридаги қарорларда таъкидлаб ўтилган, албатта бўлишлиги шарт деб топилган дори-дармонларнинг дорихоналарда 2 туридан 17 турига мутлақо йўқлигининг гувоҳи бўлдилар. Айрим жойларда дори-дармон билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома (лицензия)сиз фаолият кўрсатаётган шахсларга дуч келинди. Устамон ходимлар 78 минг сўмлик кирим ҳужжатлари бўлмаган дори-дармонларни «сув қилиш» дардида бўлганлар. Лаборатория таҳлилидан ўтказилмаган дори-дармонларни сотиш ҳоллари ҳам учради. Бу эса ўта хавфли, ҳеч бир инсоф мезонига тўғри келмайдиган воқеадир. Чунки, бундай дорилар катта фожиага сабаб бўлиши мумкин.

Ангрен шаҳридаги мажбурияти чекланган жамият дорихонасида эса жуда хунук иш бўлибди. Р. Умиров мудир бўлган дорихона йил бошида шаҳар ҳудудий дори-дармон бирлашмаси билан даволаш воситаларини имтиёзли ва бепул рецептлар асосида бериш бўйича шартнома тузган экан. Шартнома тузилишга тузилгану, дарҳол унутиб юборилган. Буни қарангки, текшириш кунигача рецептлар орқали бир тийинлик ҳам дори-дармон берилмаган. Устига-устак 53910 сўмлик ҳужжатсиз, дорихона номига кирим қилинмаган дори-дармонлар мавжудлиги фош этилди. Шунингдек, 20310 сўмлик маблағ узоқ муддат давомида банк муассасаларига топширилмаган. Бебилиска пул топишга қизиқиб кетган ходимлар юқоридагидан бешбаттарроқ ишга қўл урдилар. Улар мазкур шаҳар фуқароси Э. Юсупбоев деган одамдан 24050 сўмлик дори-дармонларни қабул қилиб олганлар. Аммо, бу дори-дармонларнинг келиб чиқиши ва лаборатория таҳлили хусусида ҳеч қандай ҳужжатлар бўлмаган. Нима қилиш керак? Пешона тақ этди! Касални яширсанг, истмаси ошкор этади, деб шуни айтсалар керакда. Қонунбузарликлар юзасидан тўпланган ҳужжатлар шаҳар прокуратурасига топширилди.

Баъзан ҳайрон қоласиз. Чўнтагини қаппайтиришга муккасидан берилган шахслар антиқа хийлаларни ўйлаб топишади. Бекобод шаҳридаги Т. Йўлдошев раҳбар бўлган «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамиятидагилар баайни шундай одамлар бўлиб чиқди. Улар илгари арзон гаровга олинган 25,3 минг сўмлик дори-дармонларни сотишда савдо қоидаларини кўпол равишда бузишган. Баҳони тартибга солувчи жамғарма вужудга келтирилмаган. Оқибатда «Аналгин», «Цитрамон», «Парацитамол» каби дориларга кирим ҳужжатлари йўқлиги маълум бўлди.

Офарин!.. Янгийўл туман марказий шифохонасининг жарроҳлик бўлими фельдшери Х. Дуйсенов ажойиб «хунарни» кашф этибди. У бир йўла икки ишнинг «уддасидан чиқаркан». Шифохонада бўлган пайтларида тиббий буюмлар билан савдо қилишни қизитиб юборар экан. У А. Розиқовага ўн дона «Пенициллин» ва икки дона дока ўрамини 160 сўмга сотаётганда тузоққа илинди. Нима қилиш керак? Х. Дусейновга тафсилотнома тузилиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик кодексининг 164-модда, 3-қисми билан 2 минг сўм жарима солинди.

Рейд давомида бошқа муассасалар — Оҳангарон шаҳридаги 75-, Чирчиқ шаҳридаги 228-, Юқоричирчиқ туманидаги «Исмоил», «Абдуқодирий», Тошкент туманидаги «Валихўжа», Паркент туманидаги «Ибн Сино», «Дармон» хусусий дорихоналарида ҳам катта камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Инсон саломатлиги билан боғлиқ бўлган дори-дармон билан ҳазиллашиб бўлмайди. Шу боис ҳукуматимиз, тегишли вазирликлар ва идоралар бу борада қатъий тартиб ўрнатиш учун катта саъи-ҳаракат кўрсатмоқдалар. Тошкент вилоят «Дори-дармон» ҳиссадорлик бирлашмаси ҳам ана шундай тартиб ўрнатишга даъват этилган маҳкамалардан биридир. Дорихоналар тизимида йўл қўйилаётган қонунбузарликлар, тартиббузарликлар, ҳатоликларга тез кунда барҳам берилади, деб ўйлаймиз.

РЕЙД гуруҳлари аъзолари.

ДАРОМАД ОШМОҚДА

ОҲАНГАРОН тумани «Ангрен» ширкат жамоа хўжалигида Аваз Азимов бошчилигида меҳнат қилаётган фермер хўжалиги аъзолари ўтган тўрт йил ичида иқтисодий жиҳатдан ўзларини ўнглаб олдилар. Ҳозирги кунда фермер хўжалигининг банкдаги ҳисоб рақамида 100 минг сўмдан ошиқ пул бўлиб, ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 1200 — 1300 сўмданга тўғри келяпти.

Даромадлар эвазига бир нечта трактор сотиб олинди. Ҳордиқ чиқариш учун шийпон ва техникаларни асраш учун мўлжалланган бостирма қурилди. Шийпон ёнидаги тўрт гектар майдонда, мевали боғ барпо этилди. Ишбилармонлар 40 гектар бедазорнинг биринчи ўрими ҳосилини «Ангрен» ширкат жамоа хўжалигига келишилган нархда сотдилар. Пиёз, помидор, сабзи, картошка сингари сабзавотлар етиштираётган деҳконлар 60 гектар майдондаги дон ўримига ҳам бугун-эрта киришадилар.

Теша ШЕРАЛИЕВ.

«МОВЛУДА БОНУ»НИНГ ҚУТЛУҒ ҚАДАМЛАРИ

ТЎЙТЕПА шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Мовлуда бону» фирмасида кўплаб тадбиркорлар меҳнат қилишади. Бугунги кунда фирмага қарашли «Наргиза» хусусий тижорат дўконидан эркакларнинг костюм-шимлари, аёллар сумкаси, мавсумбоп оёқ кийимлар, чинни идишлар, биллур вазалар, сервислар харид қилиш мумкин. «Дилноза» тикув цехида эса махсус қорҳомалар буюртма асосида тикилмоқда. Тикув цехи ташкилот ва корхоналардан пул ўтказиш йўли билан буюртмалар қабул қилаяпти. Фирма хизматчилари «Тўйтепа-Туябўғиз» кўргони йўналишидаги бекатда ёзнинг иссиқ кунларида йўловчиларнинг чанқовбосди ичимликлари ичишлари, енгил тамадди қилишлари учун шароит яратдилар. Жамоа аъзолари келгусида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам режалаштирдилар.

Фирма хизматидан бахраманд бўлаётганлар «Мавлуда бону»нинг қадами қутлуғ бўлаверсин, дейишмоқда.

Баҳринисо СУЛТОНАЛИ қизи.

«Саодат»нинг савобли ишлари

Тадбиркор Абдусаттор Рашидов ҳиммати билан шаҳар марказида қад ростлаган «Саодат» уйи маданий-маърифий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган. Бу ерда оила, таълим-тарбия мавзуларида тез-тез йиғинлар ўтказиб турилади. Ёш келинкуёвлар никохдан ҳам шу ерда ўтишади. Яқинда бу ерда шоиралар Турсуной Содиқова, Шарифа Салимова, Дилфуза Шомаликовалар билан учрашув бўлди. Ёшлар тарбияси ва маънавият масалалари мавзуида ўтказилган суҳбат қатнашчиларда яхши таассурот қолдирди.

Тўхташ ҚОСИМОВ,
Пискент.









ЭЛЛИК ЙИЛДАН СЎНГ

Ангрен шаҳри «таваллуди»га яқинда ярим аср тўлади

Ана шу тадбирлар доирасида шаҳар халқ таълими бўлими ташкил этилганлигининг ярим асрлиги ҳам нишонланди.

Шаҳардаги Алишер Навоий номли кончилар маданият саройига кираверишда ташкил этилган кўргазмалар орасида кўпчилик эътиборини тортадиган бир сурат ҳам бор эди. Унда пастқамгина мактаб биноси тасвирга туширилган бўлиб, унинг тагига «бундай билим даргоҳларидан Ангренда 1946 йилда атиги 7 та бўлган эди...» деб ёзиб қўйилганди.

Соч соқоллари оқарган, очиқ чеҳрали, кўринишидан зиёли эканлиги билиниб турган бир отахон уни узоқ томоша қилди. У ўтмишни эслади чоғи... ҳаёлга толди.

... Ангренда урушдан кейинроқ маориф ишларини жонлантиришга алоҳида эътибор берилди. Дарсликлар етишмаслиги, муаллимлар камлиги баҳона бўлмади. Болаларга қалблари бегубор, меҳрибон ўқитувчилар билим ва тарбия бердилар. Ўша йилларда мактаблар фақат ёшларни эмас, катталарни ҳам илмга ўргатди. Ёши улғайиб қолганлар ҳам шу даргоҳларда савод чиқардилар.

Бугун шаҳар халқ таълимининг «қиёфаси» ўзгача. 37 та ўрта, 3 та спорт, 2 та мусиқа мактаблари Ангрен кўрки. Уларда 26 мингдан зиёд ўқувчи билим олмоқда. Муаллимлар сони 3700 нафарга етди. Шаҳарда мактабгача тарбия муассасалари ҳам кўпайди. 49 та боғчанинг аксариятида болаларга чет тили ўргатилаётир.

Шаҳар халқ таълими бўлимида ҳамда маданият саройида бўлиб ўтган тантаналарда юқоридаги рақамлар тилга олинди. Тадбирда иштирок этган республика Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, шаҳар ҳокими Тошпўлат Анорбоев, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег Тожиев ва бошқалар маориф ходимларини самимий қутладилар, тантана чоғида кўп йиллик хизматлари учун шаҳар халқ таълими мактабларининг бир қатор ўқитувчилари, халқ таълими ходимларц турли унвонлар ва нишонлар билан тақдирландилар.

Республика Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев шаҳар халқ таълими бўлимини компьютер билан мукофотлади.

Шунингдек, вилоят, шаҳар ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар вакиллари зиёлиларни муборакбод этдилар.


Самимий тилаклар учун шаҳар халқ таълими бўлими мудири Маҳмуд Турғунбоев миннатдорчилик билдирди.

Даврон АҲМАД.
Суратларда тантаналардан лавҳалар.

Вилоятимизда пилла топшириш қандай боряпти?

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Оққўрғон туман бош пиллахонаси раҳбари Ботир Фаниев хабар қилади: — пилла тайёрлаш қизғин боряпти. Мавсумга пухта хозирлик кўрилганлиги, пиллакорлар учун барча зарур шароитлар яратилганлиги ўз самарасини берди. Жамоа хўжаликлари бирин-кетин пилла тайёрлаш режасини бажармоқдалар. Хўжаликларга 2200 қути қурт уруғи тарқатилганди. Емиш етарли бўлгани, пилла қуртлари агротехника талаблари асосида парвариш қилинганлиги сабабли қурт барвақт дастага кирди. Пилла териш ва саралаш ҳашар йўли билан ўтказилмоқда. «Ўзбекистон», «Маданият», «Озод» жамоа хўжаликлари туманда биринчи бўлиб шартнома шартларини бажардилар. «Маданият» хўжалиги 8700 килограмм ўрнига 8920 килограмм, «Озод» хўжалиги 6 минг килограмм ўрнига 6050 килограмм аъло навли ҳосил топширдилар. Ҳар бир қути қурт уруғидан 50 — 55 килограммдан пилла етиштирилди. Бошқа хўжаликлар ҳам пилла тайёрлашни жадал давом эттирмоқдалар. «Ўзбекистон» хўжалигидан Бувайда Жўраева, Мавжуда Аҳмедовалар 100 килограммдан, «Маданият» хўжалигидан Шокир Мамадалиев ва Турди Абдусатторов-



лар ҳам 100 килограммдан ҳосил кўтариб, пешқадамлик қилмоқдалар.

Туман бош пиллахонаси ҳар куни 15 — 18 тоннадан ҳосил қабул қилиб оляпти. Куни кеча туманимиз маррага етди. Режадаги юз тонна ўрнига 102 тонна ҳосил топширдик. Ҳар бир қути уруғдан 46,5 килограмм пилла олинди. Мўлжалимиз эса уни эллик килограммга етказиш.

ВИЛОЯТ хўжаликлари бирин-кетин пилла тайёрлаш режаларини бажаряптилар. Бекобод туманидаги «Хос» жамоа хўжалиги 9030 килограмм ҳосил топшириб, маррага етди. Ҳар бир қути қурт уруғидан салкам 58 килограммдан пилла териб олинди. Азиза Искандарова, Қурбоной Шукурова каби тажрибали пиллакорлар 100 килограммдан ошириб ҳосил топширдилар.

БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ

Худди шундай хушхабар Бўка туманидан ҳам келди. «Паркент» жамоа хўжалиги режадаги 4,5 тонна ўрнига 5,06 тонна, «Кўкорол» жамоа хўжалиги эса 2200 килограмм ўрнига 2765 килограмм юқори сифатли ҳосил етказиб бердилар. Ҳар бир қути қурт уруғидан 40 — 45 килограммдан пилла етиштирилди. Хўжаликлар пилла териш ва топширишни давом эттирмоқдалар.

Рафиқ ҚОДИРОВ.

Ғалла ўрим-йиғимига қандай тайёргарлик кўриляпти?

МАҚСАД МАВСУМНИ БИР ОЙДА ТУГАЛЛАШ

ОҲАНГАРОН туманн аста-секин бўлса-да, ўзининг ғаллачиликдаги илғор анъаналарини тиклаб олаётир. Агар 1994 йилда 9 минг гектар майдондан 19 минг тоннадан зиёд дон олинган бўлса, ўтган йилнинг эрта кузида 13 минг 604 гектар майдонга, шу жумладан, 7480 гектар суғориладиган ерларга ғалла экилди.

Барча майдонларда бугдой куз фаслидаёқ икки марта, кўкламда ҳам икки-уч марта суғорилди ва озиқлантирилди. Туман ғаллакорлари бу йил ўрта ҳисобда суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан 32 гектардан, лалми ерлардан эса 12 центнердан хирмон кўтаришга, доннинг ялпи ҳосилини 35 минг тоннага етказишга қарор қилганлар.


Мақсад яхши, ният холис, режалар аниқ. Лекин, туманда ғалла ўрим-йиғимига қандай тайёргарлик кўриляпти?

— Ўтган йили анча ғафлатда қолгандик, — дейди туман агрофирмасининг бош ҳосилоти Жамол Қўчқоров. — Аксарият хўжаликларда комбайнларни, бошқа ўриш агрегатларини таъмирлаш ишлари анча кечикиб кетган эди. Бундан ташқари ўрим пайтида ёнилғи танқислиги вужудга келди. Агрегатларнинг эҳтиёт қисмлари ҳам етарли эмасди. Шу сабабли бултур ғалла ўрим-йиғими 64 кунга чўзилиб кетди. Бу эса доннинг тўкилиб кетишига ҳам олиб келди. Биз бу йил ана шу хато ва камчиликлардан хулоса чиқариб, мавсумга пухта тайёргарлик кўряпмиз.

Ҳозир туман хўжаликларидаги мавжуд 45 та комбайнларнинг 40 таси таъмирланиб тахт қилиб қўйилган. Қолган бешта комбайн ҳам бугун-эрта устахонадан чиқади. Булардан ташқари сомонни пресслаш, ғалласи ўриб олинган майдонларни пешма-пеш шудгорлаш учун ҳам зарур агрегатлар тайёрлаб қўйилган. Ғалла ўрим-йиғими пайтида комбайнлар 14—16 соатдан ишлатилади. Ҳар бир ўриш агрегатида иккитадан механизатор ишлайди. Булардан ташқари ҳар бир хўжаликда 5—6 кишидан иборат усталар бригадаси тезкор машиналар билан шикастланган комбайнларни тузатиш учун ҳамиша далада бўладилар. Худди шундай тезкор усталар бригадаси туман қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлаш ва ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам ташкил этилган. Деярли барча хўжаликларда комбайнчилар учун уч маҳал иссиқ овқат тайёрланади, ғалла ўрим-йиғимида иштирок этадиганлар учун маданий-оммавий тадбирлар ўтказиш ҳам режалаштирилди.

— Хўжалигимиздаги асосий майдонларда ғалла ўсаяпти, — дейди «Шодималик» жамоа ширкатининг раиси Абдувоҳид Қосимов. — Бироқ, бизда атиги учтагина комбайн бор. Шу сабабли ғалла ўрим-йиғимига кечроқ тушадиган хўжаликларнинг раҳбарлари билан келишиб олдик ва улар ўрим-йиғимнинг дастлабки пайтларида қарашиб юборадиган бўлишди. Шу усул билан ўрим-йиғимни 20-25 иш кунида ниҳоясига етказишни режалаштирганмиз.

Тумандаги Собир Раҳимов номли ҳиссадорлик жамияти энг йирик ғаллачилик хўжаликларидан биридир. Хўжаликнинг 1064 гектар суғориладиган, 180 гектар лалми ерларида



буғдой ўсмоқда.

— Ғалланинг авжи баланд, — дейди хўжаликнинг бош ҳосилоти Раҳматжон Каримов. — Ўрим мавсумида олтита комбайн ишлайди. Ҳар бир комбайн учун иккитадан механизатор биркитиб қўйилган. Бу йил берилган бўнак пулга беш ойга етадиган ёнилғи олиб қўйганмиз. Деярли барча комбайн ва ғалла ташиш транспортларига етадиган заҳира ва эҳтиёт қисмларга эгамиз. Булар ғалла ўрим-йиғимини бир ойдаёқ тугаллаш имконини беради.

Тумандаги Алишер Навоий номли, «Ўзбекистон» ширкат жамоалари ва «Ангрен» жамоа хўжалигида ҳам ўрим-йиғимга пухта ҳозирлик кўриляпти. «Оҳангарон» ҳиссадорлик жамиятида барча техникани тайёрлаш билан бирга Қуруқсой мавзесида ғалла ўрим-йиғими мавсумида ишлайдиганлар учун муваққат дала шийпонлари ҳам барпо этилаётир. Ҳуллас, оҳангаронликлар бу йилги ғалла мавсумини бир ой ичида тугаллаш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, баъзи хўжаликларда ҳар йили ҳам 100 килограммдан ҳосил кўтариб, пешқадамлик қилмоқдалар.

Туман бош пиллахонаси ҳар куни 15 — 18 тоннадан ҳосил қабул қилиб оляпти. Куни кеча туманимиз маррага етди. Режадаги юз тонна ўрнига 102 тонна ҳосил топширдик. Ҳар бир қути уруғдан 46,5 килограмм пилла олинди. Мўлжалимиз эса уни эллик килограммга етказиш.

ИШИНГДАН ХУРСАНДМАН, ЎҒЛИМ

Лавҳа

Бир соҳада узоқ йил ишлаган одам бора-бора ўз касбининг миришкори, фидойиси бўлиб қолади. Янгийўл туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигининг меҳнат фахрийси, уста пахтакор Турсунбой Комилов ана шундайлардан бири.

Пахтачилик бригадасига етакчилик қилди, ҳамиша олдингилар сафида бўлди. Катта-катта йиғинлар, мажлисларнинг тўри, мақтовларнинг зўри уники эди. Қўшқўша мукофотлар олган. Унга ҳатто текинга енгил машина ҳадя этишган.

Ана шундай катта обрў, иззат-икром билан нафақага чиққанига ҳам анча бўлди. Аслида ишлашга рағбати бор эди. Лекин, баъзида кексалик ҳам панд бериб қўяётганлиги сир эмасди. Шунинг учун ҳам раҳбарлар унга «энди бригадирликни ўғлингизга топширақолинг, эсини таниганидан буён ёнингизда юриб, жуда «пишиб» кетди. Лекин, барибир сиз фахрий бригадир бўлиб қолаверасиз», дедилар.

Лекин, барибир дала меҳри, сеҳри уни тинч қўймади. Мана бугун ҳам эрта тонгда туриб, томорқага, мол-ҳолга қараган бўлди ва чойини шошиб-пишиб ичди-да, тараддудланиб қолди.

— Қаёққа, — дейишди унга.

У Тўлқинбойнинг даласига бориб келишлигини айтди.

— Ҳеч тиниб-тинчимас экансиз-да, — дейишди унга, — нима ўғлингизга ишонмайсизми? Кеча ғўзалари яхши, дейдилар-ку.

— Яхшиликка яхши, — деди Турсунбой ака, — тунов куни тумандан келганлар ҳам баракалла, тошлоқ ерда шунчалик ғўза ўстирибсиз, бундан буёғига ҳам бўш келманг, деб айтишди. Лекин, ҳаво яна паст келяпти. Билиб бўлмайди-да.

У далага етиб келганда ғира-шира тонг ота бошлаган эди. Ўғлига сездирмай этак томондаги карталарни оралаб кетди. Энгашди, туп санади. Олди ғўзалар шоналабди, деди у, и-я, шира оралабди-ку!

Йўл бўйида тракторчи Шермирза билан нималарнидир гаплашиб турган Тўлқин отасини кўриб, унинг олдига югуриб келди.

— Ўғлим, шира тушибди-ку!

— Кўрдик, кеча раисимиз Абдуманноп ака билан дала айлангандик. Бугун дори сепамиз. Шунинг ҳаракатини қилаётган эдик.

— Яхши, — деди Турсунбой ака, — лекин, дори солинган аппаратнинг орқа томонига пленка тутиб олишни унутма. Шамолда дори учиб кетиб, нобуд бўлмайди. Тўғри, экинга бориб тушади. Ўзингдан қолар гап йўқ. Ҳозир дори ҳам қимматлашиб кетган. Тежаб ишлатсанг, ўзингга фойда.

— Яхши эсга солдингиз, ота. — деди Тўлқин, — ҳозир бориб айтганларингизни ўрнига қўямиз.

— Иннайкейин, — деди Турсунбой ака, — ўта тошлоқ ерларга сув қўйишни ҳам бошлаш керак.

— Сувчимиз Қосимбой билан бу ҳақда ҳам маслаҳатлашиб олдик, — деди Тўлқин, — эртадан киришамиз бу ишга.

Ота-бола яна юмушлар ҳақида ҳам анча маслаҳатлашишди.

Тўлқин Комилов бригадасига 66 гектар ер биркитилган. Ўтган йили хўжаликда режа бажарилмади. Лекин, унинг бригадаси режани уддалади. Чунки, меҳнатни ташкил этишнинг ижара усули пухта ишлаб чиқиб, йўлга қўйилган эди. Ҳар бир жамоа аъзосига (улар 20 киши) қобилияти, оиласидагиларнинг кўп-озлигига қараб, икки-уч гектардан ер ажратиб берилган. Ижарачи ерни экишга тайёрлашдан бошлаб то уни йиғиб-териб олгунгача бўлган ишларни деярли ўз кучи билан бажаради. Қанча кўп ҳосил олса, даромади шунча яхши бўлишини олдиндан билади. Бу ҳақда шартномалашиб, келишиб олишган. Ижарачиларнинг қандай талаби, эҳтиёжи бўлса, бригада бошлиғи орқали маъмуриятга етказилади. Маъмурият қўлдан келганча ижарачиларнинг талабини қондиради, муаммосини ҳал қилиб беради. Агар меҳнатни ташкил этишнинг бу синалган ва кўпчиликка маъқул бўлган усули қўлланилмаганда эди, тошлоқ ҳисобланган бу ерларда баракали ҳосил олишнинг ўзи бўлмасди.

Ҳозирги кунда ижарачилар даласида иккинчи ишлов боряпти. Чопиқчи Раҳима Усмонова, Шуҳрат Оллоберганов, тракторчи звено бошлиғи Шермирза Абилберганов ва бошқаларнинг ғайрат-шижоати туфайли ғўзаларнинг ривожи кун сайин тезлашмоқда. Давлат буюртмаси бўйича 166 тонна пахта топшириш учун мустаҳкам замин яратилаётир. Ўтган йили тошлоқ ҳисобланган бу ерлардан 25 центнердан ҳосил олинган бўлса, бу йил 27 центнерни мўлжаллаб турибди.

Бригада ерлари захкаш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сувни билиб бериш талаб этилади. Айрим ерларга ўхшаб бу майдонларга худа-беҳудага сув берилавермайди. Куннинг исиши, ҳавонинг тафтига қаралади. Кўпи билан ғўзага тўрт беш-марта сув берилади. Бу деҳқондан, сувчидан маҳоратни, сергакликни талаб этади. Бригадирнинг айтишига қараганда, сувчи Қосим Одилов ана шундай маҳоратли мироблардан ҳисобланади.

Тўлқин Комиловнинг бригадасида ғўза парвариши барча агротехника талаблари даражасида ўтказилаётганлиги учун ҳам гектарлар тўлиқ, кўчатлар бўлиқ бўлиб ўсяпти, ривожланяпти.

Бригадада, шунингдек, 15 гектар ердаги ғалладан ҳам юқори ҳосил олиш мўлжалланмоқда. Ғаллазорни кўрсангиз ҳавасингиз келади. Бошоқлаб турибди. Ҳозир ғаллазор иккинчи марта озиқлантириляпти.

Умуман олганда хўжаликда бу йил 730 гектар майдонда пахта етиштириляпти. 1784 тонна ҳосил топшириш режалаштирилган.

Носир РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ДЕҲҚОН БОРКИ, ЕРНИ ЯШНАТАР

БАҲРОМ Умаров тажрибали миришкорлардан. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор. Кўп йиллардан бери Чиноз туманидаги «Гулзоробод» жамоа хўжалигида бригадага саркорлик қилади. Бригада аъзолари 86 гектар майдонда ғўза, 65 гектар ерда буғдой ва 4 гектар ерда помидор ҳамда полиз экинлари ўстиряптилар. Барча пайкалларда парвариш маромида бормоқда. Экинларнинг ривожи яхши. Ғўзаларга учинчи марта ишлов бериляпти. Механизатор Баҳром Мансуров маромига етган майдонларда қатор ораларини сифатли қилиб юмшатяпти. 50 нафар киши эса чопиқ қилиб, далани бегона ўтлардан тозаламоқдалар. Ҳаво исиб борган сари, бу ерда фақат тунда эгатларга сув тараш расм бўлган. Нурмуҳаммад Давлатов ва Достонали Рўзалиев бу ишнинг маромини олишган. Улар ишлаётган пайкалларда экин бир текис кўкламоқда.

— Об-ҳаво ноқулай келгани сабабли ғўзанинг ривожи бироз кечиккан эди, — деди Баҳром ака Умаров. — Парвариш ва озиқлантиришга зўр бериб, бу қолоқликни тугатдик. Ҳозир ишимиз чакки эмас. Кўпроқ маҳаллий ўғит ишлатиб, барча майдонларни сувдан чиқариб бўлдик.

О. НУРУШЕВ.

РИХСИВОЙ ДОМЛА

Ҳурматли таҳририят!

БИЗ паркентлик ўқитувчилар «Тошкент ҳақиқати» газетасини мунтазам ўқиб борамиз. Унда бугунги кун мавзулари билан бирга, эл-юртга хизмати сингган, ҳалол меҳнати билан иззат-икромга сазовор бўлган марҳумлар хотирланаётгани ҳам яхши бўляпти.

Инсон оламдан ўтди деб қадрини унутиб юбормаслик чин одамийликдир. Биз ҳам сизга шундай мавзуда бир ҳамкасбимиз ҳақидаги ёдномамизни юборяпмиз. Илтимос, газетада чиқарсангиз.

Салом билан 8-ўрта мактаб жамоаси номидан

Мирюнус БОЙБУЛОВ,
мактаб директори.

Хотира

АГАР инсон эл-юртга сидқидилдан хизмат қилса, унинг хотираси одамлар қалбида бир умрга жо бўлиб қолар экан. Муаллимлик фаолиятини 1951 — 1952 ўқув йилида бошлаган Рихсивой Бойбўсинов ҳаёт йўли бунга ёрқин мисол.

— Биз Рихсивой билан баравар иш бошлаганмиз, — дейди ҳозир меҳнати роҳатини кўраётган пенсионер ўқитувчи Нуриддин ота Эрматов, — у жамоада ишчанлиги, очиқ кўнгиллиги ва бошқаларга ҳамиша ёрдамга шай туриши билан эрта ҳурмат қозонди. Рихсивойни муаллимлар орасида танитган муҳим омил дарсларни пухта ўтиш учун кўргазмалар тайёрлашдан эринмаслиги бўлса, ота-оналар орасида болаларга астойдил меҳрибонлиги бўлди.

Отахоннинг айтишларича, «Рихсивой муаллим» номи билан Бўрсилиқ маҳалласида ҳурматга сазовор бўлган бу жонкуяр ўқитувчи хонадонларда ҳам бот-бот бўлиб турар, ҳар бир боланинг ўқиши, хулқ атвори ҳақида ота-оналар билан суҳбатлар ўтказар экан.

Изланишни, ўз устида ишлашни биринчи галдаги бурч деб билган мураббий фаолияти мобайнида ажойиб шогирдлар етиштирди. Уларнинг кўплари муаллимга ихлос қўйиб устозлари йўлини танладилар. Бугунги кунда муаллимнинг Мурод Ҳасанбоев, Пахми Ғоипов, Нафиса Шерматова сингари шогирдлари ёш авлодга юксак савияда билим ва тарбия бериб келмоқдалар.

Рихсивой ота, — дейди 8-ўрта мактаб директори Мирюнус Бойбулов, — умр йўлдоши Орзубиби ая билан ўн фарзандни камолга етказди. Биз кўпинча тарбиявий соатларда мана шу оила улғайтирган Дилором, Мунаввар, Равшан, Аҳмад, Асқар, Акбар, Муножот, Аспар, Акмал, Дилфузахонларнинг ҳаётларини тилга оламиз. Бу хонадонда камолга етган ўғил-қизлар турли соҳаларда элимизга муносиб хизмат қилаётганликларини айтиб, бошқаларни ҳам уларга ўхшашга даъват этамиз. Ўзбекистон республикаси Халқ маорифи аълочиси Рихсивой домла пенсияга чиққанларидан кейин ҳам узоқ вақтгача мактаб билан алоқада бўлиб турдилар. Кўп йиллар бирга ишлаган дўстлари Қ. Бердиқулов, Т. Юнусов, Н. Мирзакодиров, К. Носировлар билан турли байрамлар арафасида мактабдаги учрашувларда иштирок этарди. Отахонларнинг тарбиявий мавзудаги мароқли суҳбатларидан фақат ўқитувчилар эмас, ёш муаллимлар ҳам баҳраманд бўлишарди.

Р. Бойбўсинов ўзи истиқомат қилиб турган маҳаллада тўйлар, умуман ҳар қандай тадбирларга бош-қош эди. Айни пайтда маҳаллада уюштирилган ҳашарларда фаол қатнашарди. Камтарлиги, каттаю кичикка бирдек хушмуомалалиги учун ҳамма уни ҳурмат қиларди.

— У кишидан муносиб шогирдлар, ажойиб фарзандлар, эл-юртга қилинган яхшилик қолди, — дейди домланинг ҳамкасби Тожиддин Охунбобоев.

Аслида ҳам шундай. Яхшилардан бир умрга яхшилик қолар экан. Заҳматкаш муаллимдан ҳам шундай хотира қолди.

Тошмат ЮНУСОВ,
меҳнат фахрийси.

БЕКОБОДДА БОБУР РУҲИ ЯШАМОҚДА

Ватанни чинакамига севиш, унга муносиб фарзанд бўлиш учун ҳар бир инсон ўзи туғилиб ўсган маконининг, шаҳар ёки қишлоғининг тарихини билиши ҳам қарз, ҳам фарздир. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб, камина ҳам улуғ ўзбек шоири, атоқли саркарда ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётининг маконимиз билан боғлиқ жиҳатларини имкон қадар тадқиқ қилишга ҳаракат қилдим.


БЕКОБОД замини ўтмишда кўплаб воқеаларнинг гувоҳи бўлган. Ўзбек халқи маданиятининг тараққиётида ўзига хос бир давр ҳисобланган. XV-XVI асрнинг кўпгина воқеалари маконимиз тарихини янада ойдинлаштиришга ёрдам беради. XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларига келиб Далварзинтепа атрофида, Сирдарё бўйларида серқатнов ҳаёт давом этган. Машриқдан мағрибга қатнайдиган карвонлар билан биргаликда салб юришига отланган кўпгина қўшинлар карвони ҳам бу йўллардан ўтган. Тарихий манбаларда эса бу ҳақда турлича фикрлар қайд қилинган.

Бизга ўрта аср тарихидан маълумки, Ўрта Осиёга Шайбонийхон бошчилигидаги қабилаларнинг кириб келиши темурийлар сулоласига шубҳасиз ўз таъсирини ўтказди. XVI асрнинг бошларида Андижон ва Самарқанддан бутунлай умидини узган Бобур 1502 йили сарсон-саргардонликда хаёт кечирди. Бир томондан, Шайбонийхон қўшинлари билан тўқнашувдаги муваффақиятсизликлар бўлса, иккинчи томондан тошкентлик тоғаси Маҳсудхон билан ораларига совуқлик тушиши Бобурнинг тож-тахтга бўлган муносабатини тамоман ўзгартириб юборди.

Бобур бир неча бор шоирона ҳаёл билан Мўғол тоғи тепаликларида юрди, Сирдарё мавжларига тўйиб-тўйиб нигоҳ ташлади. Тошкентдан Ўратепага бораётган Бобур Чаноқбулоқ ёнида, Далварзин тепаликларида ўтириб ором олган, бу ерларнинг ҳавосидан кўнглида ажиб бир завқ туйган. Ҳижрон ва азоблардан бехад қалби эзилган шоир кўпинча Сирдарё бўйларига келар эди. Мўғолтоғдан эсадиган муздек шамол Бобурга ҳузур бағишлаган, унинг бир қанча ғазаллари шу ерда битилган эди. Эҳтимол, «Бобурнома»ни ёзишга бўлган иштиёқ даставвал шу жойларда туғилган бўлса неажаб?!

Ўратепа ва Исфара томонларида юрган Бобур баҳор кунларининг бирида ўз навкарлари билан хордиқ чиқаргани Сирдарё бўйига келди. Ҳозирги Бекобод туманининг ўзида Хос, Тақачи, Уяс ва Қиёт сингари кўхна қишлоқлар бўлиб, булар ўша даврда карвонлар тўхтаб дам оладиган манзилгоҳлар бўлган. Бобур эса шубҳасиз Самарқандга юриш қилган чоғида ҳам мана шу қишлоқлар ёнидан бир неча бор ўтган. Баҳор кунларининг бирида Бобур Мирзо ўз йигитлари билан кичик бир тепаликка чиқиб чодир тикадилар. Ярим чақиримча нарида Сирдарё шовуллаб оқмоқда. Кун чиқиш тарафдан Мўғол тоғи олис яйловларга соя ташлайди.

Бобур бу манзараларни кўриб беҳад шодликка тўлган, илҳомланган. Ҳамал ойи бўлганлиги учун ҳам табиат манзаралари ўзгача фусункорлик касб этган. Тақачилик айрим кекса кишиларнинг ҳикоя қилишича, ҳақиқатдан ҳам Бобур Сирдарё бўйидаги қишлоқларда бир неча бор бўлган, ҳатто Наврўз сайлига чиққан улусга ўз ғазалларидан ўқиб берган. «Бобурнома»да қайд этилган айрим маълумотлар ҳам фикримизни тасдиқлайди.



«Ватанни севмоқ-иймондандур» кўрик танловига

Тақачи қишлоғи ёнида Бобур давридан ёдгорлик бўлиб қолган мақбара бор. Дейдиларки, Шайбонийхон билан бўлган оғир жангларда Мирзо Бобур қўшинлари катта талофат кўради. Шайбонийхонни енгишга кўзи етмаган Бобур қўшинлари Жиззах томонларга, Ўратепа ва Зоминга чекинадилар. Сўнгра ўз тоғасидан мадад сўраб, Тошкент сари йўл олган Бобур Сирдарё кечувида бир неча яradор жангчиларидан жудо бўлади. Бу жангчилар Бобурнинг энг садоқатли йигитларидан эди. Бобур чуқур қайғу билан Сирдарё бўйидаги қишлоқ мозорларининг бирига дафн этишни буюради, Ҳозирги Тақачи қишлоғи яқинидаги бир тепаликни танлайдилар. Жасадлар шу ерда дафн этилади. Бобур уларнинг шарафига пишиқ ғиштлардан мақбара қурдиради. Тақачидаги бу қабристон ҳозир ҳам Бобур жангчиларининг ҳурмати учун «Қизил мозор» деб юритилади. XVI аср ёдгорлиги бўлган бу қабристон воқеаси ўзига хос тарихий ҳодисадир.

Сирдарё бўйидаги қишлоқ ва работлар «Буюк ипак йўли»нинг доимий бекатларидан бири бўлган. Ўрта асрга келиб, «1000 шаҳарли мамлакат»га бўлган қизиқиш тобора ортиб борди. Мағрибу, машриқдан келиб-кетувчи сайёҳлар бу ерларга катта қизиқиш билан қараганлар. Бекобод яқинидаги Сирдарё бўйида Хос номи билан машҳур шаҳар қўрғони бўлган. Хос қўрғони Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган бўлиб, бу шаҳарчада ҳунармандчилик, косибчилик ва темирчилик ишлари фуқаронинг асосий машғулоти бўлган. Бу маскан Бобур Мирзо учун беҳад қадрли эди. Жумладан, унинг машҳур энциклопедик асари ҳисобланган «Бобурнома»да шундай сатрлар бор: «Тонгласи Хўжанд суйини Хослар тўғрисидин муз устидин ўттук. Сувдин ўтиб тунқатиб, Пискентга келдук». Демак, Бобурнинг кўп муддат бу ерларда бўлганлигини тарихий манбалар ҳам тасдиқлайди.

Шу ўринда яна айтиш мумкинки, Хос қўрғонидаги жамоа санъат ва маданиятда ҳам ўзига хос услуб ва одатларни мужассам этган. Улар араб алифбосидаги ёзувни пухта ўрганишган, мактаб ва мадрасаларда болалар илм ва ҳунар билан шуғулланганлар. Хосдаги айрим тарихий битиклар ҳам шарқ маданиятининг нақадар ранг-баранг эканлигини ифодалайди. Ҳатто бу кичик шаҳарда X-XI асрларда ҳам қайноқ ҳаёт ҳукм сурган. Кейинчалик шаҳар сув тошқинлари оқибатида вайронага айланган, дарё бўйидаги кўпгина иморатлар сув остида қолиб кетган.

Бекобод яқинидаги кўҳна қишлоқлар атрофида азиз ва муқаддас саналган қабрлар кўплаб учрайди. Бу ҳақда халқ ичида шундай афсона ҳам юради. Гўёки бир гуруҳ авлиёлар Мадинадан оқ туя миниб Ўрта Осиё йўлга чиққан эмиш. Улар йўл юриб, Хос қишлоғи ҳудудига етиб келганларида кучли шамолга дуч келиб, совуқдан қотиб қолган эканлар. Авлиёларнинг туялари қаерда чўккан бўлса, улар ўша ерга маҳаллий халқ томонидан дафн этилиб, қабрларига туғ илиб қўйилган экан. Мирзо Бобур бу ҳақда «Бобурнома» асарида қуйидагича ёзади: «Маҳкам зарб совуқ эди. Бу навохида Ходарвеш ели ўксумас, ҳамиша тунд қўпар. Ул мартабада совуқ эдиким, ўшул уч кунда икки-уч киши бу орада совуқнинг шиддатидан ўлиб кетди».

Демак бу фикрлардан шу нарса аёнки, хозирги «Бекобод шамоли» ўша даврларда ҳам жуда кучли бўлган. Ходарвеш ели! Ходарвеш — Қайроққум ва Қўқон шаҳри ўртасида есадиган шамол бўлиб, ҳикоя қилишларича Хўжанд шаҳридан йўлга чиққан ва йўлда тасодифан учрашиб қолган икки дарвеш Қўқон тарафга йўл тутадилар. Йўлда бирдан кучли шамол кўтарилади. Қумлар ердан кўтарилиб, бўронга айланганлиги туфайли бир-бирини кўролмай қолган дарвешлар ҳали яхши танишиб улгурмаганлиги, исмларини ҳам билмаганликлари сабабли «Ҳо — дарвеш! Ҳо-дарвеш! деб чақира-чақира қум остида қолиб кетадилар. Мирзо Бобур Ходарвеш ели деганда ўша афсонага ишора қилмоқда ва Бекобод шамоли ҳам Ходарвеш елидан қолишмас эканлигини назарда тутмоқда.

Хуллас, биз яшаётган бу макон ўзига хос ажойиб тарихга эга бўлиб, улуғ кишиларнинг пойи қадами теккан, назарига тушган манзилгоҳдир. Юртимизнинг ҳар қарич тупроғи биз учун азиз бўлгани сингари унинг шамол ва бўронлари ҳам, гўзал табиати ҳам беҳад қадрлидир. Зотан ҳар биримиз юртимизни, Ватанимизни бутун борлиғича сева олишимиз керак.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

Карор ва ижро

ҒОЛИБЛАРГА – ТЕЛЕВИЗОР, НОВВОС, ҚЎЙ...

«ОҲАНГАРОН» ҳиссадорлик жамияти бугун туманда барча соҳалар бўйича пешқадам хўжаликлардан ҳисобланади. Унинг чорвачилиги тобора тараққий этмоқда, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам сезиларли равишда ривожланиб боряпти. Халқ турмушининг фаровонлиги, қишлоқлардаги маданий-маиший ишларнинг тобора яхшиланиши хўжаликда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳамда жисмоний тарбия ишларини тараққий эттиришни ҳам талаб қилмоқда.

МАМЛАКАТ Президентининг республикада футболни ривожлантириш борасидаги қароридан сўнг бу ерда футбол жуда оммалашиб кетди. Ўтган йили хўжаликнинг олти қишлоғи ёшлари тўпланиб, «Ўз биринчилик»ларини ўтказишди. Ана шу олти қишлоқнинг 12 командаси «чемпион»лик учун кураш олиб борди. Уларнинг ҳаммасига хўжалик ҳисобидан спорт формалари, тўплар ва бошқа анжомлар олиб борилди, совринлар таъсис этилди. Ўтган йили кузи Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги байрамида ғолиблар тақдирланди. Биринчи ўринни эгаллаган жамоа видеомагнитофон, иккинчи ўринни олган жамоага қўй ва пул мукофоти, учинчи ўринга ҳам совға тақдим этилди. Бундан ташқари ғолиб жамоанинг барча аъзоларига номлари ёзилган қўл соатлари топширилди.

Бундай эътибор туфайли қишлоқларда футбол мухлислари сони кескин ошди. Айни пайтда хўжаликнинг терма жамоаси туман биринчилиги мусобақаларида пешқадамлардан бири.

Хўжалик маъмурияти бу йил биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаган ғолиблар учун рангли телевизор, новвос, 4 та қўй ҳамда минглаб сўм пул мукофотлари таъсис этди. Булардан ташқари хўжалик ҳудудидаги деҳқон-фермер хўжаликлари ва кичик корхоналар ҳам ўз совринларини таъсис этишди. Ғолиблар Ўзбекистон Республикасининг беш йиллик тўйи тантаналарида тақдирланишади.

Хўжаликда узоқ йиллар унга раҳбарлик қилган марҳум Умар Умурзоқовнинг хотираси учун мактаб ўқувчи спортчилари мусобақаси уюштириб туриш ҳам анъана бўлиб қолган. Ўқувчилар биринчилиги ғолиблари ҳам эсдалик совғалари ва пул мукофотлари билан тақдирланишади. Айни пайтда хўжалик ҳудудидаги ўйингоҳ қайта таъмирланмоқда. Махсус автобус футболчиларга хизмат қилади. Қишлоқларда спортни, хусусан, футболни кенг тарғиб этиш, ёшлар ўртасидаги жиноятнинг кескин пасайишига олиб келди. Энг муҳими ёшлар бардам ва саломат бўлиб камол топмоқдалар.

Келгусида қишлоқларда стол тенниси, волейбол ва баскетбол турларини ҳам тарғиб этиш режалари тузилган.

Мўмин ҚАЮМ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

Чиноз туманидаги «Орзу» номли 13-болалар боғчаси кичкинтойлари мусиқа раҳбари Раъно опалари ўргатган ҳар бир куй ва қўшиқни завқ-шавққа тўлиб ижро этишади. Байрамлар учун эса, албатта, янги шеър ёд олиб, қўшиқлар куйлашади. Суратда: мусиқа раҳбари Раъно Калимулина навбатдаги машғулот пайтида.

А. РАҲИМОВ олган сурат.

Муносабат

НЕГА БИР-БИРЛАРИГА ҚЎЛ КЎТАРИШАДИ?

Оила жамиятимиз асосини ташкил этади. Шу сабабли оила тинч бўлса жамиятимизда ҳам тинчлик, осойишталик бўлади. Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси ана шуни эътиборга олиб оила-турмуш доирасидаги турли хил ҳуқуқбузарликлар сабабли вужудга келаётган ҳар хил жиноятларнинг олдини олиш учун «Тозалаш», «Ҳашар», «Фуқаро», «Назорат» каби кенг қамровли махсус тадбирларни ўтказяпти.

БУНДАЙ тадбирлар жиноятга қўл уриши мумкин бўлган кишиларни вақтида аниқлаш ва ҳисобга олиш, аҳоли ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш имконини бераётир. Жумладан, Юқоричирчиқ тумани маданият саройида республика Ички ишлар вазирлиги, суд, прокуратура ходимлари, ҳокимликларнинг вакиллари иштирокида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш бўйича участка вакиллари, вояга етмаганлар назорати ва ахлоқ милицияси ходимларининг семинари ўтказилди. Булардан ташқари қишлоқ, маҳалла оқсоқоллари йиғини, меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари ҳамда уй-жойларда содир этилган жиноятлар чуқур муҳокама қилиниб, аҳолини бундай ҳодисаларга қарши фаол кураш олиб боришга даъват этяпмиз. Бу тадбирлар вилоят бўйича жиноятлар сонини 6,6 фоизга, шу жумладан жиноят қидирув йўналиши бўйича 4,8 фоизга камайтириш имконини берди.

Аммо шуни ҳам айтишжоизки, оғир жиноятларнинг ўсиб бораётгани жиддий ташвиш туғдиряпти. Ўтган йили вилоят худудларида қотиллик 3,8 фоиз, қасддан оғир тан жароҳати етказиш 9,9 фоиз, ашаддий безорилик эса 13,5 фоиз кўпайган. Бундан ташқари оила-турмуш доирасида ашаддий безорилик сони ҳам анча ошди. Вилоят ИИБ ва унинг қуйи бўғинлари ана шундай жиноятларга қўл уриши мумкин бўлган илгари судланган, ичкиликбозликка муккасидан кетган, гиёҳванд, оилабезорилар ҳақида тушаётган ариза ва шикоятларни тезкорлик билан кўриб чиқиб, ўз вақтида тегишли чоралар кўраётир. Бироқ Ангрен, Олмалиқ, Янгийўл шаҳарлари, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ, Янгийўл туманларида оилавий низолар туфайли қасддан одам ўлдириш ёки оғир тан жароҳати етказиш каби жиноят турларининг салмоғи ҳали ҳам юқори эканлиги ташвишланарлидир. Шунга қарамай ушбу шаҳар ва туман ички ишлар бўлимлари ўз фаолиятларини кучайтирмаяптилар. Инсон ҳаётига, соғлиғига ва қадр-қимматига қарши қаратилган жиноятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора кўришга етарли эътибор бермаяптилар. Шу йилнинг биринчи чорагида содир бўлган қасддан одам ўлдириш каби воқеаларнинг аксарият қисми оила-турмуш доирасида рўй берган. Улар рашк, мол-мулк талашиш, муроса келишмаганлиги ва бошқа сабаблар билан содир бўлган.

Шундай жиноятлардан бири шу йилнинг бошида Янгиобод шаҳар Красногорск қўрғонидаги Полетаев кўчасининг 25-уй, 7-хонадонида рўй берди. Людмила Русских ичкиликка ружу қўйиб, уйдаги бор нарсаларни сотиб ича бошлади. Бундай аҳволга чидай олмаган эри Валерий Якубович жаҳл устида хотинини калтаклаб, оғир яradор қилди. Натижада Л. Русских касалхонага олиб кетилаётганда вафот этди. Олмалиқ шаҳар Есенин кўчаси 16-уйда ҳам худди шундай воқеа рўй берди. 32 ёшли Владимир Фурцов маст ҳолда уйига келиб отаси Геннадий Фурцов билан жанжал чиқарган ва унинг қўл-оёқларига уриб сулайтириб ташлаган. Калтакланаётган ота жон ҳолатда столнинг устидаги пичоқни олиб ўғлининг билагига, кўкрагига ва елкасига санчиб олган. Ўғил эса шу пайтнинг ўзида вафот этган.

Юқоридаги мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, оила ва турмуш доирасидаги жиноятлар олдини олиш шу куннинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланмоқда. Бундай жиноятлар олдини олиш фақат ҳуқуқни ҳимоя қилиш ходимларинингина эмас, шу билан бирга жойлардаги соғлиқни сақлаш муассасаси жамоа ташкилотлари, маҳалла фаоллари, уруш ва меҳнат фахрийлари олдида турган ва зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган вазифадир. Зеро, келажагимиз пойдевори бўлмиш фарзандлар оилада тарбияланиб, камолга етадилар. Шу ерда жиноят содир бўлдими, демак, ўз-ўзидан келажак пойдеворига ҳам путур етади. Шундай экан, аҳоли ўртасида, меҳнат жамоаларида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, ичкиликка берилган ноқобил оилаларни ҳисобга олиб, улар билан жиддий шуғулланишни йўлга қўйилса айни кўнгилдагидек бўлади.

Олимжон ЙЎЛДОШЕВ,
вилоят ИИБ жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси катта нозири, милиция катта лейтенанти.

Шуҳрат ИСМОИЛОВ,
бошқарма нозири, милиция старшинаси.

Шунақаси ҳам бўлади

ҚИЛИЧ БАЛИҚНИНГ ҲУЖУМИ

ЖАНУБИЙ Африканинг мўъжазгина кемаси Жанубий Атлантикада ов билан машғул эди. Ярим тунга яқин кема ниманингдир кучли зарбидан чайқалиб кетди. Шундан сўнг у анчагача чайқалишдан тўхтамади. Иккинчи марта қаттиқ зарба кемани янада титратиб юборди. Ҳартугул порт яқин эди. Кемани олиб келиб, текшириб кўрганларида унинг ўнг томонида четлари йиртилган каттагина тешик борлиги маълум бўлди. Аммо унда қилич балиқнинг бир ярим метр келадиган «қиличи» синиғи тиқилиб қолган экан. Воқеа бундай бўлган эди. Вазни бир ярим тонна оғирликдаги йирик балиқ кема бортига урилиб, қиличини суғуриб ололмаган ва уни синдириб кетган. «Қилич» синиғининг бортга тиқилиб қолгани эса кемани чўқиб кетишдан сақлаган.

СУВ ОСТИДА ҲАМ ЮЛДУЗЛАРНИ БИЛАДИЛАР

КАНАДАЛИК олимлар балиқлар ҳам қушлар сингари осмондаги юлдузларга қараб сузишлари мумкин, демоқдалар. Ванкувер шаҳридаги каттагина аквариумда планетарий ҳам жойлаштирилган эди. Унинг кўзгусида юлдузлар олами ҳар гал ўз ўрнини ўзгартирганида аквариумдаги балиқлар ҳам бошқа томонга сузадилар.

45 ЎРНИГА 130 КИЛОГРАММ

АЛЯСКАНИНГ Анкоридж шаҳрилик Майкл Аттен якшанба кунларининг бирида балиқ овламоқчи бўлди. Буни қарангки, унинг қармоғига каттакон балиқ илинди. Палтус балиғининг узунлиги 2,4 метр, оғирлиги эса 130 килограмм эди. Ҳолбуки Майклнинг қармоқ ипи фақат 45 килограмм балиққагина мўлжалланган эди.

М. МАХМУТОВ тайёрлади.



Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

Спорт

Шохмот

САЙДАЛИ ЙЎЛДОШЕВ УЧИНЧИ БОР ЧЕМПИОН

Тошкентда шохмот бўйича мамлакат 61-биринчилиги ниҳоясига етди. Унда 12 имкониятдан 9 очко тўпланган чирчиқлик халқаро миқёсдаги спорт устаси Сайдали Йўлдошев чемпионлик унвонини қўлга киритди. Вилоятимиз вакили учинчи бор ана шундай ғалабага эришди. М. Салтаев билан Т. Воҳидовлар 8 тадан очко тўплаб, иккинчи-учинчи совринли ўринларни эгаллашди.

Шохмотчиларимиз сентябрь ойи ўрталарида Ереванда ўтадиган 32-Олимпиада мусобақаларига тайёргарлик кўришга киришдилар.

«БЎКАЛИК» ОЛҒА ИНТИЛМОҚДА

МАВСУМ бошланиши олдидан «Бўкалик» жамоаси раҳбарлари мамлакат биринчилигининг биринчи табақасида мустаҳкамланиб қолиш вазифасини қўйишган эди. Лекин ҳозирда «Бўкалик» ана шу вазифани тўла бажарибгина қолмай, балки кучли ўнликка киришни мўлжаллаяпти. Навбатдаги 13-турда сафарда «Ҳисор» жамоаси устидан 2:1 ҳисобида ғолиб келди. Шу турда вилоятимиз жамоалари орасида «Роҳат» ҳам ғалабага эришди. Қибрай тумани футболчилари ўз майдонларида «Олтинкўл»ни 4:1 ҳисобида енгишди. «Ғазалкент» «Тўқимачи»ни қабул қилиб, натижасиз дурангга эришди. «Металлург» ўз майдонида пешқадам «Зарафшон»дан 0:2, «Кимёгар» эса «Шаҳрихон»дан худди ана шундай ҳисобда енгилди.

Шу турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Ёшлик» — «Норин» — 3:2, «Тегирмончи» — «Ситора» — 2:2, «Шўртон» — «Орол» — 2:0, «Динамо-Насаф» — «Гиламчи» — 2:0, «Зафар» — «Чилонзор» — 1:1, «Гулистон» — «Истиқлол» — 2:1, «Темирйўлчи» — «Прогресс» — 1:1, «Боғдод» — «Диёр» — 2:0.

Жамоаларнинг ўн уч турдан сўнг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Жамоалар	Ў.	Т-Н.	О.
«Зарафшон»	13	33-7	35
«Прогресс»	13	31-15	30
«Чилонзор»	13	18-7	30
«Шаҳрихон»	12	26-6	29
«Тўқимачи»	12	31-11	26
«Боғдод»	12	16-12	23
«Динамо-Насаф»	13	20-18	23
«Истиқлол»	13	18-12	21
«Гулистон»	12	20-13	20
«Олтинкўл»	12	23-18	20
«Темирйўлчи»	12	17-12	20
«Металлург»	12	13-11	20
«Бўкалик»	13	17-18	19
«Ситора»	12	17-19	19
«Роҳат»	13	22-18	18
«Орол»	12	10-17	17
«Ғазалкент»	13	10-19	15
«Кимёгар»	13	13-18	14
«Навбаҳор-2»	12	14-14	13
«Шўртон»	13	11-18	11
«Гиламчи»	12	6-19	11
«Норин»	13	21-28	9
«Тегирмончи»	13	15-30	9
«Диёр»	13	15-32	8
«Зафар»	12	7-21	5
«Ҳисор»	12	13-28	5
«Ёшлик»	13	10-26	5

ФУТБОЛ СЕҲРИ

МАҲАЛЛА ВА туманда, қолаверса шаҳарда уста ошпаз сифатида обрў-эътибор топган Шомансур Шорасулов 40 йиллик қурувчилик касбида ишлаб, яқинда пенсияга чиқди. Тўрт қизни турмушга бериб, кенжа ўғилни ҳам уйлаб, Жаҳон опа билан табаррук бўлиб қолган қўшниm ўтган куни беҳосдан футболдан сўз очди.

— Бу футбол деган ўйинингга менам қизиқиб қолдим. Англиядаги бўлаётган ўйинлар жуда зўрку. Бизникилар ҳам ўшанақа ўйнайдиган кунлар келармикан?

— Келади. Шомансур ака, келади!

— Қалай, қайси учрашувлар ёқди? — Синчковлик билан савол ташладим.

— Инглизлар билан немислар зўр экан.

Аввалари футбол ҳақида гап очилса, суҳбатга қўшилмай сукут сақлайдиган «шундан кўра бошқа мавзу қуриб қоптими» дейдиган Шомансур ака Англиядаги Оврупо чемпионати ўйинларини кўриб футболга ошуфта бўлиб қопти.

Дарҳақиқат шу кунларда Англиянинг бир қатор шаҳарларида давом этаётган Оврупо X чемпионати ўйинлари футбол мухлисларининг диққат-эътиборида турипти. Улар бу ердан олиб кўрсатилаётган ҳар бир учрашувни, янгилик ва ахборотларни қизиқиш билан қарши олишяпти.

8 ва 9 июнь кунлари тўртта ўйин бўлди. Буниng учтасида — Англия — Швейцария, Испания — Болгария, Дания — Португалия жамоалари ўйинларида 1:1 ҳисоби қайд этилди. Германия футболчилари эса Чехия жамоасини 2:0 ҳисобида енгишди.

Футбол мухлисларига Оврупо чемпионати тарихига оид айрим маълумотларни эслатиб ўтишни лозим топдик. Қитъа чемпионати 1960 йили Францияда ўтказилган эди. Ўшанда мазкур мусобақа кубок беллашувлари деб аталарди. Собиқ СССР футболчилари финалда Югославия терма командасини 2:1 ҳисобида енгиб, биринчи бор соврин эгаси бўлишганди. 1964 йили Испания футболчилари биринчи ўринни эгаллади. 1968 йилга келиб мазкур мусобақаларга Оврупо чемпионати деган мақом берилди. Ўша йили Италия, 1972 йили ГФР, 1976 йили Чехословакия терма жамоалари ғолиб келдилар. Оврупо VI чемпионати Италияда ўтказилиб, унда Бельгия футболчилари устидан 2:1 ҳисобида ғолиб келган ГФР яна чемпион бўлди. 1984 йилги VII чемпионат Франция футболчиларининг ғалабаси билан якунланди. 1988 йили бўлиб ўтган чемпионатда эса ажойиб ўйин кўрсатган Голландия футболчилари ғолиб бўлишди. 1992 йилги Швецияда бўлиб ўтган IX чемпионат мутахассису мухлисларни ўзининг кутилмаган натижаси билан лол қолдирди. Ҳал қилувчи бахсга Югославия командаси ўрнига борган Дания футболчилари барча тўсиқлардан ўтиб, финалда ГФРдек кучли жамоани 2:0 ҳисобида енгиб, чемпионлик шохсупасига кўтарилди.

Ўниччи чемпионатда қатнашаётган 16 жамоанинг қайси гуруҳларда иштирок этаётганлигини эслатиб ўтамиз: «А» гуруҳи: Англия, Швейцария, Голландия, Шотландия, «В» гуруҳи: Испания, Болгария, Руминия, Франция, «С» гуруҳи: Италия, Германия, Россия, Чехия, «Д» гуруҳи: Дания, Португалия, Туркия, Хорватия.

Шундай қилиб футбол мухлисларининг нигоҳи Англия ўйингоҳларига қаратилган. Зеро, ҳар бир яхши асар севиб ўқилганидек ҳар бир чиройли ўйин ҳам мухлисларга олам-олам завқ бағишлайди.

10 июнь куни бўлиб ўтган икки ўйинда қуйидаги натижалар қайд этилди: Голландия — Шотландия — 0:0, Руминия — Франция — 0:1.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

«Ўзбек давлат цирки»

Республика бирлашмаси
ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунларида 15, 16, 22, 23, 29 июнь соат 10 ва 15.00 да
БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

«ЦИРК БОЛАЛАРГА»

РАНГ-БАРАНГ ТОМОШАЛАР

ДАСТУРДА ЦИРК САНЪАТИНИНГ БАРЧА ЖАНРЛАРИ НАМОЙИШ КИЛИНАДИ. УРГАТИЛГАН ХАЙВОНЛАР ВА МАСХАРАБОЗЛАР ГУРУҲИ КАТНАШАДИ.

Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Болалар муассасалари ва мактабларидан тушган жамоа талабномаларига навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади, уларга 25-50 фоиз имтиёз берилади.

КАССА СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

МАЪЛУМОТ ОЛИШ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 44-29-04, 44-35-91.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0305. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 10040 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.45. 1 2 3 4 5 6